

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/.10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЗИЕВ РАВШАН РАМАЗАНОВИЧ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР
ВОСИТАСИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Кузиев Равшан Рамазанович

Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар
воситасида рағбатлантириш..... 3

Кузиев Равшан Рамазанович

Стимулирование деятельности свободных экономических зон
посредством налогов..... 28

Kuziev Ravshan Ramazanovich

Stimulating the activities of free economic zones through
taxes..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/.10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЗИЕВ РАВШАН РАМАЗАНОВИЧ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР
ВОСИТАСИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt206 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жумаев Нодир Ҳосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сатторов Одил Бердимуродович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Ботировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳардаги филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

К.Б. Ахмеджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Б.Т.Бердияров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, эркин иқтисодий ҳудудлар махсус хўжалик тузилмалари сифатида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Кўпчилик давлатлар хорижий капитални жалб қилиш ва иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини ривожлантириш мақсадида бир неча асрлар давомида ўз ҳудудларининг бир қисмида имтиёзли шарт-шароитларни яратиб келган. “Ҳозирда дунёнинг 147 та мамлакатидида 5500 дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, жаҳон савдо айланмасининг 20-25 фоизи эркин иқтисодий зоналарга тўғри келмоқда ва уларда 70 миллионга яқин одам ўз меҳнат фаолиятини юритмоқдалар”¹. Халқаро амалиётга мувофиқ, эркин иқтисодий ҳудудлар замонавий халқаро меҳнат тақсимотининг кенг тарқалган шакли бўлиб, ривожланиши суст бўлган ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, ушбу ҳудудларда мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиши ва мамлакат иқтисодиётига кенг қўламда хорижий инвестицияларнинг жалб этилишида улар фаолиятини ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ҳамда экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини изчил ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, эркин иқтисодий ҳудудларда махсус солиқ режимларини қўллашдаги мураккабликлар, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда солиқ имтиёзларини қўллаш тизимининг илмий асосланган тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарда махсус солиқ режимлари жорий этилган бўлиб, ушбу режимни қўллашда хорижий инвесторлар учун қатор рағбатлантириш чоралари белгиланган. “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Шу мақсадда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини

¹ World Investment Report-2020: Special Economic Zones. United Nations publication issued by the United Nations Conference on Trade and Development. UNCTAD/WIR/2020. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_overview_ru.

жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш”² муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари ташкил этиш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишда муаммоларнинг мавжудлиги, уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги, уларнинг ижобий ҳал этилиши, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигин таъминлашда мамлакат инвестиция салоҳиятини ошириш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 15 майдаги ПФ-5719-сон “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, мазкур соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва ривожланишининг айрим жиҳатлари, шунингдек, ушбу ҳудудларда алоҳида солиқ режимлари қўлланилишининг назарий асослари ва солиққа тортиш механизмидаги муаммолар хорижлик иқтисодчи олимлардан C.Dziobek, Mangas Gutierrez, P.Kufa, T.Farole, R.Stobaugh, R.Stoun, Jorge

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 28 декабрь.

Martinez-Vazquez, Andrey Timofeev, Т.П. Данько, З.М. Окрут, А.П.Думнов, С.А.Рыбаков, Н.А.Орлова. Н.А.Смородинская, А.С.Капустин, К.А.Семенов, М.С.Шоидарвозоваларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган³.

Эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритувчи корхоналарни солиққа тортишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни айрим жиҳатлари иқтисодчи олимларимиз А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабиев, Н.Г.Муминов, Н.Х.Жумаев, Э.Ф.Гадоев, Ж.И.Каримқулов, Т.С.Маликов, Ш.И.Мустафақулов, А.А.Остонақулов, М.А.Раимжонова, Б.Э.Тошмуродова, Н.Х.Хайдаровлар илмий ишларида ўрганилган⁴.

Бироқ, айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, республикамизда айнан эркин иқтисодий ҳудудларда корхоналарни солиққа тортиш ва унинг механизмини такомиллаштиришга бағишланган, ушбу муаммони комплекс тарзда ўрганишга қаратилган алоҳида илмий тадқиқот иши амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ИТИ-3-сон “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва

³ Dziobek C., Gutierrez Mangas and P. Kufa (2011). Measuring Fiscal Decentralization – Exploring the IMF's Databases. International Monetary Fund Working Paper 11/126, Washington, DC; Farole T. (2011). Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. Directions in Development; trade. World Bank; Stobaugh R. (1969). How to Analyze Foreign Investment Climates. – Harvard Business Review, September, October. P.189; Stoun R. (1961). Social Account at the Regional Level: Survey. In: Regional Economic Planning. Techniques of Analysis for Less Developed Areas/Ed. By W. Isard and J. Camberland. OECD. Paris.; Jorge Martinez-Vazquez and Andrey Timofeev (2009). Decentralization Measures Revisited. Andrew Young School of Policy Studies, Georgia State University, USA; Nicoletta Ferugilo (2007). Overview of Fiscal decentralization. UNDP.; Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2008; А.П.Думнов. Особая экономическая зона как направление развития государственно-частного партнерства в региональной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.-Улан-Удэ, 2010; С.А.Рыбаков, Н.А.Орлова. Особые экономические зоны в России: Налоговые льготы и преимущества. М.: Вершина, 2006; Н.А.Смородинская, А.С.Капустин. Свободные экономические зоны: мировой опыт и российские перспективы.// Вопросы экономики, № 12, 1994; К.А.Семенов. Международные экономические отношения. Курс лекций. - М.: Гардарики, 2000. - 336 с.; М.С.Шоидарвозова. Свободные экономические зоны как форма привлечения иностранных инвестиций в экономику Республики Таджикистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.-Душанбе, 2005.

⁴ А.В.Вахабов., Ш.Х.Хажикабиев, Н.Г. Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. - 180 б.; Н.Х.Жумаев. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 286 б.; Э.Ф.Гадоев. Особенности налогового режима в свободных экономических зонах Узбекистана. Ўқув қўлланма, Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2018 йил. - 154 с.; Ж.И.Каримқулов. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. И.ф.д. (DSc) илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Т.: 2019. – 78 б.; Т.С.Маликов. Молия. - Т.; IQTISOD-MOLIYA, 2018 йил. - 268 б.; Ш.И.Мустафақулов. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография, Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2001. - 326 б.; А.А. Остонақулов. Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. 08.00.08. И.ф.ф.д. (PhD) илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. - Т.: 2017; М.А.Раимжонова. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослар, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2001. - 326 б.; Б.Э.Тошмуродова. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди. 2002. – 128 б.; Н.Х. Хайдаров. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.

ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий ҳудудлар вужудга келишининг назарий жиҳатлари ва мамлакат таракқиёти учун уларнинг зарурлигини асослаш;

эркин иқтисодий ҳудудларда солиқ режимларини ташкил этиш ва амал қилишининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш;

Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналаридаги корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини тизимли тадқиқ этиш;

эркин иқтисодий зоналардаги мавжуд солиқ имтиёзлари ва преференцияларни таҳлил қилиш;

эркин иқтисодий ҳудудлардаги солиқ режимларини такомиллаштиришнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимизда татбиқ этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва солиқ режимларини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритаётган корхоналар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритаётган корхоналардан ундириладиган солиқлар ва йиғимларни ундириш жараёнида шаклланадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига кўзда тутилган солиқ имтиёзлари киритилган инвестициялар ҳажмига қараб белгиланган муддатлар асосида белгилаш тартиби ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи корхоналар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан божхона тўловларидан озод этилиши таклифи асосланган;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини

амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари, тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини тўлашдан озод этилиши бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

«Навоий» эркин иқтисодий зона фаолиятининг бутун даврида солиқларни тўлашдан ҳамда эркин иқтисодий зоналарда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилиши бўйича берилган имтиёзларни бекор этиш бўйича таклифлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солиш шартларида махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилиши бўйича таклифи ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шarti сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йил якуналарига кўра, икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан, кейинги йилларда 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилишни белгилаш шартини бекор этиш бўйича таклифи асосланган;

махсус иқтисодий зона иштирокчилари товарларни импорт қилганда, қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаши мумкинлиги, ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни махсус иқтисодий зона иштирокчисига етти кун давомида соддалаштирилган тартибда қоплаб берилиши бўйича таклифи ишлаб чиқилган;

Навоий вилояти бутун ҳудуди 10 йил мобайнида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланиши бўйича тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик ва амалий маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар эркин иқтисодий ҳудудларда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш, ушбу ҳудудларнинг

барқарор иқтисодий ривожланишида солиқларнинг аҳамиятига доир махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсияларнинг мамлакат эркин иқтисодий зоналарининг барқарор молиявий-иқтисодий ривожланиш даражасини оширишга, шунингдек, солиқлар воситасида ушбу ҳудудларнинг фаолияти самарадорлиги солиқлар воситасида таъминланишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига кўзда тутилган имтиёзларни киритилган инвестициялар ҳажмига қараб белгиланган муддатлар асосида белгилаш тартиби ва мезонлари бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 06/04-02-01-32/288-сон маълумотномаси). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармони тегшли ўзгартиришлар киритилди;

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар натижасида бўшаб қолган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтиришни таъминлаш мақсадида, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар, маҳсулотлар экспорт қилинганда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил

16 декабрдаги 06/04-02-01-32/3775-сон маълумотномаси). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3-банди учинчи хатбошисига тегишли ўзгартиришлар киритилган;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно); тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) ва махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўлашдан озод этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 06/04-02-01-32/288-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил 9 ой якунларига кўра, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари суммаси 555,4 млрд. сўмни ташкил қилган;

“Навоий” ЭИЗ дирекцияси АЖ эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг бутун даврида солиқлар тўлашдан озод этилиши бўйича берилган имтиёзни бекор этиш лозимлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 06/04-02-01-32/288-сон маълумотномаси). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сон Фармонига тегишли ўзгартириш киритилди. 2020 йил якунларига кўра, мазкур имтиёзни бекор этилиши натижасида давлат бюджетига 40,0 млрд. сўм солиқлар бўйича ҳамда 322,5 млрд. сўм импортдаги ҚҚС ҳисобига қўшимча ундирилган;

“Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилиши бўйича берилган

имтиёзини бекор этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 06/04-02-01-32/288-сон маълумотномаси). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармонига тегишли ўзгартириш киритилди. 2020 йил якунларига кўра, мазкур имтиёзни бекор этилиши натижасида 50,8 млрд. сўм солиқлар бўйича ҳамда 483,7 млрд. сўм (импортдаги ҚҚС) миқдоридagi маблағ Давлат божхона кўмитаси томонидан давлат бюджетига ундирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларининг чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эркин иқтисодий ҳудудларни вужудга келиши ва солиқ режимлари ривожланишининг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида эркин иқтисодий ҳудудларни вужудга келишининг назарий жиҳатлари ва мамлакат тараққиёти учун уларнинг зарурлиги, Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг ривожланиши, фаолияти ва амалдаги солиқ режимини ўзига хос хусусиятлари, инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишда эркин иқтисодий ҳудудларни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Эркин (махсус) иқтисодий зоналар (ЭИЗ) қадимги хўжалик тузилмаларидан бири саналади. Ушбу иқтисодий тузилмаларнинг моҳиятини

очиб берадиган таъриф 1973 йилда илк бор расман эълон қилинди. Киото конвенциясида: “Эркин иқтисодий зона (ёки “франк зонаси”) деганда, мамлакат ҳудудининг бир қисми ҳисобланиб, унда товарлар миллий божхона ҳудудидан ташқаридаги объектлар сифатида кўриб чиқилиши ва шу сабабли оддий божхона назорати ва солиққа тортиш тартибига буйсунмаслиги назарда тутилган.”

Профессор К.А.Семенов эркин иқтисодий зоналарга қуйидаги таърифни беради: “Эркин иқтисодий зоналар – бу маълум бир давлатда сиёсий марказлар томонидан хўжалик фаолияти учун умумий қабул қилинган тартибга нисбатан имтиёзли режим ўрнатилган географик ҳудудлардир”.⁵ Кўриб турганимиздек, ушбу таърифда иқтисодий тузилмаларнинг хўжалик фаолиятига давлат ҳокимияти органларининг таъсири чекланганлигини, имтиёзлар тизими мавжудлигини, анклавлигини ва ҳудудийлигини акс эттиради.

ЭИЗнинг кенгроқ маънодаги таърифлари Т.П. Данько ва З.М. Округ каби олимлар томонидан берилган, улар таъкидлашча: “Эркин иқтисодий зоналар – бу давлатнинг (давлатларнинг) суверен ҳудуди бўлиб, улар мамлакат (мамлакатлар гуруҳи) хўжалик комплексининг ажралмас қисми ҳисобланади ва бу ерда муайян, конкрет умуммиллий, корпоратив мақсадга эришиш учун ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш таъминланади”.⁶ ЭИЗнинг ушбу таърифида ҳудудий суверенитет, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш муносабатлари, тартибга солиш мақсадлари ўзида акс этирилган бўлса-да, аммо ушбу махсус тартибга солиш механизми ўз ичига нималарни олганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари ЭИЗларни миллий хусусиятларига, иқтисодий тараққиёт даражасига, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий шароитларига қараб ташкил қиладилар. Натижада, ЭИЗлар ривожланишнинг ҳар бир босқичида янги белгилар ва хусусиятларга эга бўлдилар, бу эса, ушбу иқтисодий категориянинг кўплаб таърифлари мавжудлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунида қуйидаги таъриф берилган: “Махсус иқтисодий зона - тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳукукий режимга эга бўлган ҳудуд”.⁷

Маҳаллий олимларимиздан Ж.И.Каримқуловни фикрига кўра: “Эркин иқтисодий ҳудудлар – муайян иқтисодий фаолиятни амалга оширишда

⁵ Семенов К.А. Международные экономические отношения. Курс лекций. — М.: Гардарики, 2000.

⁶ Данько Т.П., Округ З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2008.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни.

кенгайтирилган мустақилликка, бошқарувнинг махсус режими ва инвесторлар иқтисодий фаолияти учун қулай шароитга эга бўлган ҳудудлардир.”⁸ Иқтисодчи олимлар А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, “Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади.”

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг жаҳон тажрибасини таҳлиliga бағишланган кўплаб назарий ишларда, одатда ЭИЗ давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини қисқартириш воситаси сифатида таърифланган. Олиб борилган тадқиқотга асосланиб, ЭИЗ деганда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилган, мамлакатнинг бошқа қисмларида қўлланилмайдиган махсус хўжалик юритиш режими, бошқарув тизими ҳамда имтиёзлар ва рағбатлар тўплами жорий этилган миллий иқтисодий маконнинг бир қисми сифатида тушунилади.⁹

Шунингдек, фикримизча: "Эркин иқтисодий зона - маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун энг сўнгги технологиялар асосида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини шакллантиришга имкон берадиган имтиёзлар ва рағбатлар тизими яратилдиган, бу эса ўз навбатида, юқори сифатли маҳсулот (ҳам товарлар, ҳам хизматлар) ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига етказиб беришни, жойлашган ҳудудда ва умуман мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлаши мумкин бўлган, миллий иқтисодий маконнинг бир қисмидир.”¹⁰

Бугунги кунда кўпчилик иқтисодий адабиётларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг таснифланишида, уни иқтисодиётга интеграциялашганлиги, ташкилий усули, мулк шакли ва фаолият турлари бўйича муҳим жиҳатлари ажратилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, эркин иқтисодий ҳудудларни инвестициялар характери, фаолият тури, мулкчилик шакли, иқтисодиётга интеграциялашув даражаси, рақобатбардошлилиги, минтақалар бўйича жойлашуви ва тармоқ хусусиятига кўра муҳим жиҳатлари ва белгиларини инобатга олган ҳолда таснифланиши бирмунча илмий асосланган ҳисобланади. (1-расм)

⁸ Ж.И.Каримкулов. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т.: 2019 йил, Б.13.

⁹Муаллиф тадқиқотлари асосида келтирилган.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. Эркин иқтисодий ҳудудлар таснифланиши¹¹

¹¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Бугунги кунда республикаимизда 21 та эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, улардан 10 таси саноат зоналари, 8 таси фармацевтика зоналари, 2 таси агросаноат зоналари ва 1 таси туристик зонадир.

2010 йилдан буён республиканинг ЭИХлари ҳудудида умумий қиймати 1332,1 млн. АҚШ долларига тенг 241 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 19 672 та иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 2 166,9 млн. АҚШ долларга тенг 442 та лойиҳа амалга ошириш жараёнида турибди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 35 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Яқин истиқболда қиймати 1 967,8 млн. АҚШ долларга тенг жами 90 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.¹²

Диссертация ишида эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиявий рағбатлантириш усуллари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу усуллардан амалиётда тўғри ва оқилона фойдаланиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, саноат ҳажмининг, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, ташқи савдонинг ўсишига, янги юқори технологияларни жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга, иш ҳақи даражасини ва бандликни оширишга, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга эришиш мумкинлиги изоҳлаб берилган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, географик, иқтисодий ёки бошқа афзалликларга эга бўлган турли мамлакатлар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда турли мақсадларни белгилайдилар. Ушбу мақсадларни белгилашда, асосан, уларни умумий жиҳатларини, яъни иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник мақсадларга ажратиш мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар махсус солиқ режимининг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- имтиёзли солиққа тортиш тартиби;
- молиявий имтиёзлар ва преференциялар;
- имтиёзли солиқ ва божхона режими.

Таҳлил натижаларига кўра, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тақдим этилган солиқ имтиёзларини инвентаризация қилиш ва алоҳида тармоқлар учун берилган имтиёзлар билан таққослаш, бунда айрим тармоқлар субъектларига ўз ишлаб чиқариш қувватларини айнан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш қанчалик афзал эканлигини баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу зоналардаги фаолият учун қулай режимни яратишга ва инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга имкон беради.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг таҳлили: ривожланиши, фаолияти ва амалдаги солиқ режими”** деб номланган иккинчи бобида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини солиққа

¹² www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари.

тортишга доир меъерий-ҳуқуқий базаси, эркин иқтисодий ҳудудларда солиқ режимларини жорий этиш ва амал қилишининг хусусиятлари ҳамда мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналаридаги корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари, мавжуд солиқ имтиёзлари ва преференциялари ўрганилган ва кенг таҳлил этилган.

Бугунги кунда миллий иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантиришни рағбатлантириш учун давлат томонидан бир қатор иқтисодий воситалар қўлланилади. Улар орасида энг самаралиси бу - солиқ ва маъмурий имтиёзлар, давлат томонидан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кафолатлар тақдим этиш, инвесторларга маълум имтиёзлар тўпламини таклиф қилиш, коммунал хизматлар учун паст нархлар кўринишидаги турли хил субсидиялар бериш ва ҳ.к. ҳисобланади.

Тадқиқот давомида эркин иқтисодий ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ва чоралари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. (1-жадвал)

1-жадвал

Тараққий этган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари¹³

№	Молиявий инструментлар	Молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари
1.	Солиқлар орқали рағбатлантириш	- солиққа тортиладиган базани камайтириш - амортизация ажратмалари - иш ҳақиға, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига чегирмалар - солиқ ставкаларини пасайтириш - тўлиқ ёки вақтинчалик солиқ тўловларидан озод этиш - солиқ кредитларини амал қилиши.
2.	Божхона имтиёзлари	- экспорт-импорт божхона божларини бекор этилиши ёки пасайтирилиши - ташқи савдо операцияларини соддалаштирилган тартиби.
3.	Молиявий преференциялар, шу жумладан, давлат субсидиялари	- бюджет маблағлари ҳисобига - коммунал тўловини паст нархларда белгиланиши - ер майдонларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини пасайтирилиши.

Таҳлил натижаларидан кўринадики, тараққий этган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий воситалари сифатида асосан солиқ имтиёзлари ва преференциялари, божхона имтиёзлари, молиявий преференциялар, шу жумладан давлат субсидиялари қўлланилади.

Эркин иқтисодий зоналарни ривожланишини рағбатлантиришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар тизими саналади. Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларда тўғридан-тўғри

¹³ Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкил этилган корхоналарга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестиция ҳажмларидан келиб чиқиб, қуйидаги тартиб белгиланган. (2-жадвал)

2-жадвал

Ўзбекистон ЭИЗларида қўлланиладиган солиқ режими¹⁴

Имтиёз номи	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз муддати	Асос
Ер солиғи	Ер майдонлари	Солиқ тўлашдан озод этиш	Эквиваленти қуйидаги ҳажмда киритилган инвестициялар учун: 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. долларгача - 3 йил муддатга;	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 4 банди
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Солиқ солинадиган мол-мулк		3 млн. АҚШ долларидан 5 млн. долларгача - 5 йил муддатга;	
			5 млн. АҚШ долларидан 10 млн. долларгача - 7 йил муддатга;	
			10 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори - 10 йил муддатга берилади.	

Мамлакатимизда ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш, инвестициялаш афзалликлари ва зарур инфратузилмани шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга замин яратади. Бу борада эркин иқтисодий зоналар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларининг иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мақсадли ҳудудий дастурларни амалга ошириш натижасида ЯХМнинг ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (2000 йилга нисбатан 4,3 баравар), Қорақалпоғистон Республикасида (3,5 баравар), Жиззах вилоятида (3,9 баравар), Самарқанд (3,8 баравар), Наманган (3,5 баравар), Андижон (3,3 баравар), Сурхондарё (3,3 баравар) вилоятларида таъминланган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда ЯХМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Тошкент шаҳрида 109,6%, Қорақалпоғистон Республикасида - 108,2%, Жиззах вилоятида - 109,0%, Самарқанд вилоятида - 108,7%, Наманган


¹⁴ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

вилоятида - 108,1%, Андижон вилоятида - 107,9%, Сурхондарё вилоятида - 107,8%ни ташкил этди.

2008-2020 йилларда ЯХМ ўсишининг республикамиздаги ўртача даражадан (107,3%) пастроқ бўлган ўртача йиллик ўсиш суръатлари Навоий (104,5%), Фарғона (105,8%) ва Тошкент (106,5%) вилоятларида қайд этилди.¹⁵

Бугунда Навоий вилояти ҳудуди кейинчалик белгиланган тартибда муддатини узайтириш имконияти билан 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланди.¹⁶

Навоий вилоятида 2019 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми 16399,4 м.с. бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 102,1 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. 2020 йилда эса, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми 2019 йилга нисбатан 2,4 фоизга кўпайиб, 22091,6 м.с.ни ташкил этган. (2-расм)




2-расм. Навоий вилоятида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари¹⁷

3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Навоий вилоятида 2015-2020 йиллар мобайнида рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони кўпайган. Агар 2015 йилда рўйхатдан ўтган корхоналар сони 8909 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 11417 тага кўпайган ва 20326 тани ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

¹⁵ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари.


¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармони

¹⁷ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари.



3-расм. Навоий вилоятида рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони, (бирликда)¹⁸

Навоий ЭИЗда иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари ЯҲМ бўйича 2020 йилда 0,4 фоизга ўсиб, 104,3 фоизни ташкил қилган. Саноат соҳасида ҳам бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 4,4 фоизга кўпайиб, 105,5 фоизни ташкил этган. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида мутлақ ўсиш суръати 0,7 фоизга кўпайган ва 103,7 фоизни ташкил қилган. (4-расм)




4-расм. Навоий ЭИЗда иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари, (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)¹⁹

“Ангрен” ЭИЗ ташкил этилганидан буён умумий қиймати 285 млн. АҚШ доллариға тенг 15 та лойиҳа амалга оширилди ва қарийб 840 та янги иш ўринлари яратилди.

¹⁸ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁹ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



5-расм. Ангрен ЭИЗ маҳсулотлар экспорт ҳажми
(млн.АҚШ доллари)²⁰

5-расм маълумотларини таҳлил натижаларидан кўринадиким, Ангрен эркин иқтисодий зонада маҳсулотлар экспорт ҳажми йиллар сайин кўпайиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилда 0,17 млн.АҚШ долл.ни, 2014 йилда 0,98 млн.АҚШ долл.ни, 2015 йилда 6,9 млн.АҚШ долл.ни, 2016 йилда 13,0 млн.АҚШ долл.ни, 2017 йилда 16,2 млн.АҚШ долл.ни, 2018 йилда 17,9 млн.АҚШ долл.ни, 2019 йилда 23,1 млн.АҚШ долл.ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 24,53 млн.АҚШ долл.га кўпайган ва 24,7 млн.АҚШ долл.ни ташкил қилган.

Диссертация ишида Ангрен ЭИЗда қатнашчи-корхоналарнинг лойиҳалари ва солиқ имтиёзларидан фойдаланилишининг жорий ҳолатини таҳлили амалга оширилган.

3-жадвал
“Ангрен” ЭИЗ қатнашчи-корхоналари рўйхати (минг сўм)²¹

№	Лойиҳа номи	Компания	Имтиёз муддати	СТИР	Имтиёз миқдори	Умумий ялпи даромад
1	Кўчаларни ёритиш учун энергия тежовчи LED лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"EGL-NUR" ҚК МЧЖ	3 йил	207165425	99 560,60	3 358 553,60
2	Турли диаметрда мис қувурларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Ангрен қувур заводи" УК	7 йил	302660064	10 193 050,90	77 412 733
3	Техник кремнийни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Uz-Shindong Silicon" ҚК МЧЖ	7 йил	206974829	500 785,70	13 035 600

²⁰ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4	Брикет кўмирни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Jun Long Industrial" ХК МЧЖ	5 йил	207138196	33 705,10	332 174
5	Кўмир брикетлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Bricket Coal Standart" ШК	3 йил	207149071	68 553,10	4 695 152
6	Кўмир брикетлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Ангрен кумир брикет" ҚК МЧЖ	5 йил	207140719	6 981,00	92 722
7	Керамик ғиштларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"BRICKS Angren" МЧЖ	5 йил	302816026	3 679,30	3 679
8	Керамогранит ва керамик плиткалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«National ceramics» ҚК МЧЖ	7 йил	303011355	0	Компания ишлаб чиқиш босқичида
9	Композит арматура ишлаб чиқаришни ташкил этиш	“Kompazitnaya armatura” ШК	3 йил	302836627	0	-
10	Пластик материалларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«HiltonTrade» ХК	5 йил	206958356	0	3 149 460
11	Чизиқли-занжир арматура ва изоляторларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«Арматура-изолятор заводи» ҚК МЧЖ	5 йил	207207197	0	1 297 059
12	Декоратив керамик плиткалар ва санитар фаянсни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«Great Wall Ceramik Industries» ҚК МЧЖ	5 йил	207229272	0	62 049
13	Шарикли ручка, фломастер ва маркерлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«LONG SHENG» МЧЖ	3 йил	302739715	22 792,00	434 313
14	Керамик гранитни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«Lyuxgranit» МЧЖ	7 йил	303365564	0	Компания ишлаб чиқиш босқичида
15	Мебел саноати учун паралон маҳсулотлар, пружиналар ва матраслар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	«Sponge Business» МЧЖ	3 йил	303765819	20 157,00	753 140
	Жами				10 949 264,70	104 626 635,73

3-жадвал маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, "Ангрен" ЭИЗнинг 15 та қатнашчи-корхоналари 104 626 635,73 минг сўм миқдорида ялпи даромадга эга бўлганлар, шундан 9 та корхона 10 949 264,70 минг миқдорида солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Таъкидлаш жоизки, 15 та "Ангрен" ЭИЗ қатнашчи-корхоналаридан 5 та корхона 3 йилга, 6 та корхона - 5 йилга, 4 та корхона - 7 йилга солиқлардан озод қилинган. 10 йилга солиқлардан озод қилинган корхоналар мавжуд эмас.



6-расм. “Ангрен” ЭИЗдаги солиқ имтиёзларидан фойдаланадиган корхоналар сони²²

Республикада эркин иқтисодий зоналарга берилган имтиёзлар ҳолатини таҳлил қилиш натижаларига кўра, мамлакатимиздаги 21 та эркин иқтисодий зоналарнинг 15 таси 2011-2020 йиллар давомида жами 323 025,7 млн.сўм имтиёзга эга бўлишган.

Шундан энг юқори имтиёз суммаси “Ангрен” эркин иқтисодий зонасига ва энг кам имтиёз суммаси фармацевтика соҳасини ривожлантиришга қаратилган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин. (4-жадвал)

Юқоридаги таҳлил натижалари ва хулосаларга кўра, бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарни солиқлар воситасида тартибга солиш ва тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялардан самарали фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- эркин иқтисодий ҳудудларда кам аҳамиятли ва самараси паст солиқ имтиёзларини бекор қилиш;

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Эркин иқтисодий зоналарга берилган имтиёзлар бўйича
МАЪЛУМОТ (2020 йил якуни бўйича)²³**

Эркин иқтисодий зона номи	Иштирокчилар сони	Жами имтиёз суммаси (млн.сўм)	
		сон	сумма
“Навои” ЭИЗ	52	19	46 812,3
“Ангрен” ЭИЗ	84	40	178 711,2
“Жиззах” ЭИЗ	28	26	69 805,6
“Ургут” ЭИЗ	67	55	21 612,3
“Ғиждувон” ЭИЗ	28		
“Кўқон” ЭИЗ	96		
“Ҳазорасп” ЭИЗ	19		
“Нукус-фарм” ЭИЗ	4	9	1 873,6
“Зомин-фарм” ЭИЗ	3		
“Косонсой-фарм” ЭИЗ	6		
“Сирдарё-фарм” ЭИЗ	10		
“Бойсун-фарм” ЭИЗ	6		
“Бўстонлик-фарм” ЭИЗ	4		
“Паркент-фарм” ЭИЗ	7		
“Сирдарё” ЭИЗ	15	10	4 210,7
Жами	430	159	323 025,7

- солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларини самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

